

ШАРТНОМА № 3

«11» декабрь 2022 йил

Ўзбекистон тумани

“BUILD TOWN UNIVER” МЧЖ бундан буён матнда «Етказиб берувчи» деб аталади корхона номидан раҳбари Ю.Мадрахимов бир томондан бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи Ўзбекистон туман ҳокимлиги номидан амалдаги Низом асосида фаолиятни амалга оширувчи Ш.А.Юлдашев иккинчи томондан ушбу шартномани қидагилар тўғрисида туздилар.

2. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартлари асосида қуйидаги миқдор ва қийматларда маҳсулотларни сотади. «Буюртмачи» эса маҳсулотни ҳақини шартнома шартлари ва муддатлари асосида тўлаб, қабул қилиб олади.

т.р.	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи (ҚҚС билан)	Суммаси
1	Ноутбук (Acer)	Дона	2	6 000 000	12 000 000
	Жами				12 000 000

Сумма сўз билан: Ҳикки миллион сўм (ҚҚС билан)

2. ХИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1 Маҳсулот учун тўлов мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб «Буюртмачи» томонидан олдиндан 30% миқдоридан пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

2.2 «Буюртмачи» томонидан шартнома умумий суммасининг 70% тўлови «Етказиб берувчи» томонидан маҳсулот (иш ва хизматлар) етказиб берилгандан ва ҳисоб-фактуралар тақдим қилингандан кейин амалга оширилади.

2.3 Маҳсулотни топшириш вақтида нарх ўзгарса, «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи» оғохлантирилади ва уни розилиғини олади.

2.4 Қабул қилиб олинган маҳсулотларнинг тўлов муддати 15 иш кунида амалга оширилади.

2.5 Томонлар ўртасида ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1 Етказдириб бериладиган товар ёки маҳсулотларларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати) ва «Буюртмачи» нинг талабларига мос келиши шарт.

3.2 «Етказиб берувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг маҳсулотни 5 иш куни давомида «Буюртмачи» га етказдириб бериши шарт.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Ушбу шартномадаги шартлар асосида маҳсулот ва унга тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га топширади.

4.2 «Буюртмачи»га берилиши лозим бўлган маҳсулотни ва давлат стандартларига жавоб беришини қайта текширувдан ўтказди.

4.3 «Буюртмачи»га маҳсулот топширилгандан сўнг уни сақлаш ва қандай ҳолда ишлатиш каби ҳолатларга жавобгарликдан мустаснодир.

4.4 «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, маҳсулотни сони, сифатига қараб ўз вақтида қабул қилиб олиш.

4.4 Тегишли даражада сифатли бўлмаган ҳолда маҳсулот келиб тушганлиги аниқланганда, далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 иш куни ичида «Етказиб берувчи»ни огоҳлантириш.

5. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

5.1. Мазкур шартлар тарафлар, уларнинг каффилланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очик ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупциявий фаолиятга аралашшиш хатарларини минималлаштиришга, шунингдек тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада сақлашга қаратилган.

5.2. Тарафлар мазкур шартларга риоя қилиш ҳамда мазкур шартнома бўйича ҳаракат қилувчи ўз каффилланган шахслари ва ишчилари томонидан риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек мазкур шартларнинг амалда бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатларда бир бирига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади.

5.3. Тарафлар мазкур шартномани бажаришда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек ўз каффилланган шахслари ва ишчилари ушбу ҳаракатларни бевосита ёки билвосита амалга оширмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади: мансабдор шахслар, мансабдор шахсларнинг қариндошлари ёки мансабдор шахслар томонидан кўрсатилган шахслар, ёхуд давлатга бирон тарзда алоқадор шахсларга тарафлар, мазкур шартнома бўйича ҳаракат қилувчи уларнинг каффилланган шахслари ва ишчилари учун ноқонуний равишда устунликларга эга бўлиш мақсадида пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ.р. рағбатлантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (оқланмаган устунлик бериш, бирон-бир кафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлаштириш ва ҳ.) таъминлаш мақсадида бошқа тараф ишчиларига, унинг каффилланган шахсларига пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ.р. коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга хилоф ва гайриҳуқуқий бошқа ҳаракатларни

5.4. Агар тарафда коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки содир этилиши мумкинлиги ҳақида гумонлари пайдо бўлса, тегишли тараф бошқа тарафни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади ва тегишли ҳуқуқбузарлик содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги ҳақида бошқа тарафнинг тасдиқномасини олгунга қадар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари ижросини тўхтатиб туришга ҳақли. Тасдиқнома ёзма хабарнома олинган санадан 10 (ун) банк иш куни давомида юборилиши лозим.

5.5. Бир тараф коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда ёки бошқа тараф ҳуқуқбузарлик содир бўлмаган ёки содир бўлмаслиги ҳақида ўрнатилган муддатда тасдиқнома олмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатган ҳолда шартномани бир томонлама бекор

қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар қоидалари асосида шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан тараф, шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК

6.1 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганда, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 25 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2 Етказиб берилган товарлар ҳақиқи ўз вақтида тўламаганлик учун «Буюртмачи» томонидан «Етказиб берувчи»га суммаси 25 фоизи миқдориди жарима ва етказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизини, аммо тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

7. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1 Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зиلزила, қургокчилик, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар) Форс мажор туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа жавобгар булмайди.

8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1 Ушбу шартнома ҳар иккала томонлар томонидан имзоланган ва ҳуқуқшунос томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний кучга киради. Шартнома бир ҳил юридик кучга эга булган 2 (икки) нусхада тузилади ва ҳар иккала томонга бир нусхадан берилади.

8.2. Ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди.

8.3. Имзоланган шартнома «31» декабрь 2022 йилгача амалда килади.

8.4. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай низолар тарафлар келишуви билан ҳал этилмаса, судлар томонидан кўриб чиқилади.

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«BUILD TOWN UNIVER» МЧЖ

Манзил: Ўзбекистон тумани Сочтепа
МФЙ 152-уй.

Х/р: 20 208 000 205 511 361 001

Банк: АТ Агробанк Яйпан филиали

ИНН: 309 432 642 МФО: 00533

Тел.: +99-891-174-73-77

Раҳбар: Ю.Мадрохимов



Туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси:



«БУЮРТМАЧИ»

Ўзбекистон туман ҳокимлиги

Манзил: Яйпан шаҳар, Зиекор-98 уй
ш/хр: 400122860302307011204018005

Х/р: 23 402 000 300 100 001 010

Банк: Марказий банк Тошкент ХККМ

ИНН: 200189154, МФО: 00014, ОКОНХ 97600

Тел.: 73-53-91-887

Раҳбар: Ш.А.Юлдашев



Ж.Камолов